

**ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ЧИРЧИҚ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc. 03/30.04.2021.Ped.82.01 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ ИЛМий ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ**

ҚАЛАНДАРОВА МЕҲРИБОН КОМИЛОВНА

**ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИДА ЎҚУВЧИЛАРНИ ИНДИВИДУАЛ ЁНДАШУВ
АСОСИДА ИНТЕЛЛЕКТУАЛ РИВОЖЛАНТИРИШ ТИЗИМИ**

13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Чирчиқ – 2021

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертациси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on
pedagogical sciences**

Қаландарова Мехрибон Комиловна

Таълим жараёнида ўқувчиларни индивидуал ёндашув асосида интеллектуал
ривожлантириш тизими.....

Каландарова Мехрибон Комиловна

Система интеллектуального развития учащихся на основе индивидуального подхода в
процессе обучения.....

Kalandarova Mehribon Komilovna

The system of intellectual development of students based on the individual approach in the
educational process.....

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works.....

**ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ЧИРЧИҚ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc. 03/30.04.2021.Ped.82.01 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ ИЛМий ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ**

ҚАЛАНДАРОВА МЕҲРИБОН КОМИЛОВНА

**ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИДА ЎҚУВЧИЛАРНИ ИНДИВИДУАЛ ЁНДАШУВ
АСОСИДА ИНТЕЛЛЕКТУАЛ РИВОЖЛАНТИРИШ ТИЗИМИ**

13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Чирчиқ – 2021

Фалсафа доктори диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.3.PhD/Ped188 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертацияси Ўзбекистон Педагогика фанлари илмий-тадқиқот институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.cspi.uz.ilmiy-kengash) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим портали www.ziynet.uz манзилларига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Сафарова Рохат Гайбиллаевна
педагогика фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Ходжаев Бекзод Худойбердиевич
педагогика фанлари доктори, профессор
Ўринова Нилуфар Муҳаммаджановна
педагогика фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Бердоқ номидаги Қорақалпоқ давлат университети

Диссертация ҳимояси Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти ҳузуридаги DSc. 03/30.04.2021.Ped.82.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021йил «__» _____соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 111720, Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, Амир Темур кўчаси, 104-уй.) Тел.: (99870) 712-27-55; факс: (99870) 712-45-41; e-mail: cspi-kengash@umail.uz.

Диссертация билан Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институтининг Ахборот ресурс марказида танишиш мумкин. (____ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 111720, Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, Амир Темур кўчаси, 104-уй. Тел.: (99870) 712-27-55; факс: (99870) 712-45-41

Диссертация автореферати 2021 йил “__” _____куни тарқатилди.

(2021 йил “__” _____да _____ - рақамли реестр баённомаси).

Ш.Қ.Мардонов
илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси, п.ф.д., проф.

Ф.У.Кодирова
илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш котиби, п.ф.д., (DSc).

У.Н.Хужамкулов
илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, п.ф.д., (DSc).

КИРИШ (фалсафа доктори(PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда таълим жараёнида ўқувчиларни индивидуал ёндашув асосида интеллектуал ривожлантиришнинг дидактик параметрларини аниқлаштириш, ўқувчиларнинг иқтидори ва қобилиятини ривожлантиришда вариатив таълим мазмунини такомиллаштириш алоҳида аҳамият касб этмоқда. Айниқса, виртуал таълим шароитида ўқувчиларнинг мустақил билим олиш имкониятларини кенгайтириш, кредит-модуль ва концентрланган таълим технологиялари асосида ўқувчи шахсига йўналтирилган ўқув-билиш фаолиятини ривожлантириш долзарблик касб этади. АҚШ, Англия, Германия, Жанубий Корея, Россия каби ривожланган давлатларда таълим тизимини индивидуалликка йўналтирилган ўқитиш технологияларини ишлаб чиқиш, тьюторлик ва менторлик моделлари асосида ўқувчиларнинг индивидуал таълим траекториясини такомиллаштиришга катта эътибор қаратилмоқда.

Дунёда ахборот-таълим муҳити шароитида ўқувчиларнинг мустақил билиш фаоллигини ошириш, ўқувчиларда мантикий, танқидий ва креатив фикрлашни ривожлантиришнинг дидактик тизимини такомиллаштиришга доир қатор илмий изланишлар олиб борилмоқда. Айниқса, шахсий-инсонпарварлик ёндашуви асосида ўқувчиларда индивидуал тафаккур услубини шакллантириш, ўқувчиларда ўзини ўзи ривожлантириш таянч компетенциясини шакллантириш орқали интеллектуал-маданий ривожлантиришнинг ижтимоий-педагогик механизмларини такомиллаштириш, ўқувчиларнинг интеллектуал ривожланишига хизмат қилувчи муаммоли ва ривожлантирувчи таълим технологиялардан фойдаланишнинг дидактик таъминотини такомиллаштириш алоҳида аҳамият касб этади. Шу билан бирга, ўқувчиларнинг индивидуаллигини қўллаб-қувватлашга йўналтирилган фасилитацион таълим технологияларини ишлаб чиқиш, таълим олувчиларнинг қизиқиш ва интилишларини ҳисобга олган ҳолда субъект-субъект муносабатларини ривожлантириш долзарблик касб этади.

Республикамизда сўнгги йилларда умумий ўрта таълим тизимини такомиллаштириш, ўқувчиларда умумтаълимий компетенцияларни шакллантириш, таълим олувчиларда шахсий-индивидуал фаолият тажрибасини ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда. Бундан ташқари таълимни ташкил этишда аҳолининг турли-туман ижтимоий қатламлари учун ўқитиш имкониятлари турлича бўлишини таъминлашга эътибор қаратилган. Ушбу мақсад йўлида ҳар бир шахснинг бетакрорлиги, бир бутунлигини таъминлайдиган ўзига хосликка асосланиш тенденцияси мавжуд. “Сифатли таълим хизматлари имкониятларини ошириш, меҳнат бозорининг замонавий эҳтиёжларига мос юқори малакали кадрлар тайёрлаш” каби муҳим вазифалар белгиланди¹. Бу эса, таълим жараёни субъектларини интеллектуал ривожлантириш мезонлари, даражалари ва индикаторларини аниқлаштириш,

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони. // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда.

индивидуал ёндашувга мувофиқ ўқувчиларни интеллектуал ривожлантиришга йўналтирилган педагогик жараён моделини такомиллаштиришни тақозо этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”, 2018 йил 25 январдаги ПФ-5313-сон “Умумий ўрта, ўрта махсус ва касб-ҳунар таълими тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон “Ўзбекистон Республикаси олий таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги фармонлари, 2019 йил 20 февралдаги ПҚ-4199-сон “Президент мактабларини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда, инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Таълим воситаларини аниқлаш, уларни такомиллаштириш йўллариини белгилаб бериш, ўқув жараёнида ўқувчиларнинг ўзига хослигини ҳисобга олиш каби муаммоларга оид масалаларни юртимиз олимларидан бугунга кунга қадар Р.Сафарова, Б.Адизов, У.Мусаев, М.Махмудов, А.Махмудов, Ж.Йўлдошев, М.Очилов, У.Нишоналиев, Н.Саидахмедов, Ш.Абдуллаева, Ш.Шарипов Э.Ғозиев, М.Давлетшин, З.Нишоноваларнинг ишларида қисман ҳисобга олинган бўлиб, муаллифларнинг ишларида ўзига хослик, ўқувчининг индивидуаллиги, унинг яхлитлигини ифодаловчи бирлик сифатида ўзгарувчанлиги, динамиклиги, хатти-ҳаракатлари ҳамда эркинлигини ифодалайди.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДХ)да О.С.Гребенюк, Б.Матюнин, Ю.М.Орлов, А.В.Суворов, И.Унтларнинг ишлари ўқувчиларни интеллектуал ривожлантиришнинг асосий омили сифатида дидактик воситалар, ўқув вазифаларининг ўқувчиларни интеллектуал ривожлантириш имконияти В.И.Андреев, Я.А. Пономарев, А.Ф. Эсаулов; дидактик ўйинларнинг ўқувчиларни интеллектуал ривожлантиришдаги аҳамияти О.С.Гребенюк, А.Н. Леонтьев, С.Л. Рубинштейн, Д.Б. Эльконин, Е.А.Крюкова, Н.Ю. Пахомова, А.Ю.Уваровлар, индивидуал таълим ўқувчиларнинг ўз-ўзларини интеллектуал ривожлантиришлари муаммоси А.В.Терешенко, ўқувчиларнинг индивидуал билим олиш йўларини педагогик қўллаб-қувватлаш масаласи М.В.Алешина, болани интеллектуал ривожлантириш масаласи П.Я.Гальперин томонидан тадқиқ этилган.

Хорижий давлатларда ўқувчиларнинг ўзлари эгаллаган билимларини интеллектуал фаолиятлари орқали намоён қилишларига бўлган эҳтиёжнинг

мавжуд жихати А.Маслоу ўқувчини креативликка ундовчи асосий майл, унинг ўз интеллектуал имкониятларини намоён қилишга бўлган интилиши К.Р.Роджерс, Ф.Бэкон, Ж.Пиаже, К.Коффки, Л.Фридман каби олимлар томонидан ўрганилган. Юқорида баён этилган фикрлардан келиб чиққан ҳолда шуни алоҳида таъкидлаш керакки, таълим жараёнида ўқувчиларга индивидуал ёндашув асосида интеллектуал ривожлантириш муаммоси диссертацион тадқиқот объекти бўлган эмас.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон педагогика фанлари илмий тадқиқот институти режасининг №ПЗ-2014-0903160552 “Умумий ўрта таълим мактабларида модулли ўқитиш жараёнини технологик таъминлаш механизмлари” (2015-2018 йй.) мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади таълим жараёнида индивидуал ёндашув асосида ўқувчиларни интеллектуал ривожлантириш тизимини такомиллаштиришдан иборат

Тадқиқотнинг вазифалари:

ўқувчиларни интеллектуал ривожлантиришга йўналтирилган педагогик жараённинг дидактик хусусиятларини аниқлаш;

таълим жараёни субъектларини интеллектуал ривожлантириш мезонлари, даражалари ва индикаторларини ишлаб чиқиш;

индивидуал ёндашувга мувофиқ ўқувчиларни интеллектуал ривожлантиришга йўналтирилган педагогик жараённинг мазмунини аниқлаш ва моделини такомиллаштириш;

ўқувчиларни интеллектуал ривожлантиришга йўналтирилган педагогик тизим самарадорлигини аниқлаш ва илмий-методик тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида таълим жараёнида ўқувчиларини индивидуал ёндашув асосида интеллектуал ривожлантириш жараёни танлаб олиниб, тажриба-синов ишларида Хоразм, Самарқанд, Тошкент вилояти умумий ўрта таълим мактабларидан 712 нафар респондент-ўқувчи иштирок этди.

Тадқиқотнинг предметини таълим жараёнида ўқувчиларини индивидуал ёндашув асосида интеллектуал ривожлантириш мазмуни, шакл, метод ва воситалари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадиқиқотда анкета, суҳбат, савол-жавоб, интервью, ўрганиш, тизимлилик, қиёсий таҳлил, тест сўровлари, педагогик тажриба-синов, натижаларни математик-статистик таҳлил этиш усулларидадан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ўқувчиларини интеллектуал ривожлантириш мақсадида педагогик жараённинг дидактик хусусиятлари ёш хусусиятларига мослиги, билим даражасига мувофиқ келиши, топшириқларнинг илмий-амалий аҳамият касб этиши, фаолият тажрибасини ривожлантира олиши педагогик-психологик таҳлил асосида аниқлаштирилган;

таълим жараёни субъектларини интеллектуал ривожлантириш мезонлари (мотивацион, когнитив, креатив) гомоген ва гетероген гуруҳларни шакллантиришга йўналтирилган дидактик жараённинг кооперативлик жиҳатининг субъективлик билан ички алоқадорлигини бевосита ҳисобга олиш асосида аниқлаштирилган;

индивидуал ёндашувга мувофиқ ўқувчиларни интеллектуал ривожлантиришга йўналтирилган педагогик жараён моделининг амалий компоненти дидактик вазиятларни яратиш, ижодий майлларни ҳосил қилиш, интеллектуал фаолиятни изчил ташкил этиш, ўқувчиларда креатив фикрлашни шакллантиришга доир интерфаол машғулотлар тизими адаптивлигини ҳисобга олиш асосида такомиллаштирилган;

ўқувчиларни интеллектуал ривожлантиришга йўналтирилган педагогик тизимнинг мантикий тузилмаси шахс ривожланиш соҳаларининг (мотивацион, интеллектуал, иродавий) эвристик ўқитиш усуллари билан горизонтал ва вертикал муносабатларининг қайта алоқага киришув даражаси продуктивлигини таъминлаш асосида аниқлаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

индивидуал ёндашув асосида ўқувчиларни интеллектуал ривожлантиришнинг тузилмаси ва компонентлари аниқлаштирилган;

таълим жараёни субъектларини интеллектуал ривожлантириш даражасини баҳолаш индикаторлари ишлаб чиқилган;

индивидуал ёндашувга мувофиқ ўқувчиларни интеллектуал ривожлантиришга доир интерфаол машғулот ишланмалари яратилган;

ўқувчиларни интеллектуал ривожлантиришга йўналтирилган педагогик тизим самарадорлигини оширишга доир илмий-услубий тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқотда қўлланилган замонавий усуллар ва илмий ёндашувлар асосида олинган натижаларни назарий маълумотларга мос келиши, методологик базасининг таъминланганлиги, олинган эмпирик миқдорларнинг математик статистиканинг ишончли усуллари ёрдамида таҳлил қилинганлиги, хулоса ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги ҳамда олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқотнинг илмий аҳамияти ўқувчиларга индивидуал ёндашган ҳолда интеллектуал ривожлантиришга йўналтирилган педагогик қарашлар, назарий ёндашувлар, ўқувчиларни интеллектуал ривожлантиришга йўналтирилган педагогик жараённинг дидактик хусусиятлари, мазмуни, технологик қурилиши, дидактик вазиятларни яратиш, мотивацияни ҳосил қилиш, интеллектуал фаолиятни ташкил этиш йўллариининг ишлаб чиқилганлиги, ўқувчиларда креативликни шакллантиришнинг интеллектуал ҳиссий-эмоционал жиҳатлари, ўқувчиларни интеллектуал жиҳатларини ривожлантириш методикаси такомиллаштирилган ҳамда педагогика фани

ўқувчиларни интеллектуал ривожлантиришга хизмат қиладиган илмий-методик тавсияларга бойитилганлигига асосланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган илмий методик тавсиялардан ўқитувчилар ўқувчиларни интеллектуал ривожлантиришга йўналтирилган ўқув-билув жараёнини ташкил этиш, уни методик жиҳатдан таъминлашда, дарслик муаллифлари эса, ўқув дастурлари, дарсликлар, методик қўлланмаларни ўқувчиларни интеллектуал ривожлантиришга йўналтирилган мавзулар ва дидактик топшириқлар билан бойитиш, методик қўлланмаларга ўқувчиларни интеллектуал ривожлантиришга хизмат қиладиган ўқув вазиятлари, дидактик ўйинларни тақдим қилишда, малака ошириш курслари тингловчилари ва бўлажак ўқитувчиларни ўқувчиларни интеллектуал ривожлантириш воситалари ҳамда методлари билан қуроллантиришда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Таълим жараёнида ўқувчиларни индивидуал ёндашув асосида интеллектуал ривожлантириш тизими бўйича олинган илмий натижалар асосида:

ўқувчиларини интеллектуал ривожлантириш мақсадида педагогик жараённинг дидактик хусусиятлари ёш хусусиятларига мослиги, билим даражасига мувофиқ келиши, топшириқларнинг илмий-амалий аҳамият касб этиши, фаолият тажрибасини ривожлантира олиши педагогик-психологик таҳлилини ҳисобга олишга доир таклифлардан умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими Давлат таълим стандартини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 5 октябрдаги 89-03-3752-сон маълумотномаси). Натижада, ўқувчиларни интеллектуал ривожлантиришда компетенциявий ёндашувни жорий этиш самарадорлигини оширишга хизмат қилган;

таълим жараёни субъектларини интеллектуал ривожлантириш мезонларини аниқлаштириш, индивидуал ёндашувга мувофиқ ўқувчиларни интеллектуал ривожлантиришга йўналтирилган педагогик жараён моделининг амалий компонентини такомиллаштиришга оид амалий таклиф ва тавсиялардан ПЗ-2014-0903160552 - “Умумий ўрта таълим мактабларида модулли ўқитиш жараёнини технологик таъминлаш механизмлари” (2015-2018 йй.) амалий лойиҳасини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 5 октябрдаги 89-03-3752-сон маълумотномаси). Натижада, модулли ўқитиш технологияларини қўллаш орқали ўқувчиларни интеллектуал ривожлантириш самарадорлигини оширишга эришилган;

ўқувчиларни интеллектуал ривожлантиришга йўналтирилган педагогик тизимнинг мантикий тузилмасини аниқлаштириш, шахс ривожланиш соҳаларининг эвристик ўқитиш усуллари билан горизонтал ва вертикал муносабатларининг қайта алоқага киришув даражаси продуктивлигини таъминлашга доир амалий таклиф ва тавсиялардан Ф1-ХТ-1-55237 - “Педагогик атамалар мазмунини модернизациялаш ва унификациялаш параметрлари” (2012-2016 йй.) лойиҳасини ишлаб чиқишда фойдаланилган

(Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 5 октябрдаги 89-03-3752-сон маълумотномаси). Натижада, ўқувчиларни интеллектуал ривожлантиришга йўналтирилган педагогик тизим самарадорлигини оширишга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқотнинг назарий ва амалий натижалари 2009-2020 йиллар давомида 9 та халқаро ва 11 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 35 та илмий иш чоп этилган, жумладан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 12 та мақола, 13 та республика 10 та хорижий журналлар (шулардан 1 та ҳаммуаллифликда, 1 та методик қўлланма 4.25 б.т., 1 та монография)да нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми: диссертация кириш, уч боб, олти параграф, хулоса ва тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат бўлиб, унинг асосий матни 144 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг кириш қисмида тадқиқотнинг долзарблиги асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети аниқланган, ишнинг фан ва технологияларни ривожлантиришнинг муҳим йўналишларига мослиги кўрсатилган. Тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари, натижаларнинг ишончлилиги, назарий ва амалий аҳамияти, натижаларнинг амалиётга жорий этилиши, эълон қилинганлиги, ишнинг тузилиши борасида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Таълим жараёнида ўқувчиларни индивидуал ёндашув асосида интеллектуал ривожлантиришнинг назарий асослари”** номли биринчи бобида таълим жараёнида ўқувчиларга индивидуал ёндашувни таъминлаш орқали интеллектуал ривожлантиришга хизмат қиладиган изчил дидактик тизим, ўқувчиларнинг мустақил фикрлаш фаолиятларини таъминлаш орқали, уларнинг фаолликлари ва интеллектуал ривожланишларини таъминлашнинг дидактик-психологик асослари ёритиб берилган. Шахснинг ривожланиш жараёни унда фақатгина алоҳида сифатларнинг таркиб топишидан иборат эмас. Бу жараён ақлий-интеллектуал, жисмоний, ахлоқий ҳамда дунёқарашнинг шаклланиши билан боғлиқ тарзда амалга ошади. Алоҳида ташкил этилган таълим муҳитида ўқувчининг яхлит тарзда ривожланиши таъминланади.

Ўқувчи шахсини интеллектуал ривожлантиришнинг ўзига хос механизмлари мавжуд. Бу механизмнинг баъзи бир жиҳатлари ўз вақтида В.С.Ильин, В.В.Зайцев, Н.К.Сергеевлар томонидан таклиф қилинган. Бугунги кунда дунё миқёсида ўқувчи шахсини интеллектуал таракқий эттиришнинг инсонпарварликка асосланган кўп параметрли концепциялари илгари сурилмоқда. Масалан, инсонпарвар ёндашувнинг воқелик, ижтимоий ҳаёт

билан боғлиқ жиҳатлари В.И.Слободчиков, вазият билан боғлиқ фаоллик масаласи В.А.Петровскийлар томонидан тадқиқ этилган. Бир қатор тадқиқотчилар томонидан ўқувчи шахсининг ўзига хос жиҳатларига таянган ҳолда уни интеллектуал ривожлантириш муаммоси тадқиқ этилган. Масалан, О.С.Гребенюк, И.Унт, Ж.Ғ.Йўлдошев, Р.Ғ.Сафарова, У.Нишоналиев, У.Қ.Мусаевларнинг тадқиқотлари шулар жумласидандир.

Бугунги кунда педагогик тадқиқотларда аксарият ёндашувлар ўқувчи шахсини ўз-ўзини ривожлантиришига қаратилгандир. Шахсга йўналтирилган таълим муаммоси бир қатор педагог олимлар Ж.Ғ.Йўлдошев, Р.Ғ.Сафарова, Э.Сейитхалилов, Б.Р.Адилов, Р.Ахлиддинов, У.Мусаев, Ш.Қурбонов, Б.Маъмуров, Е.В.Бондаревская, В.М.Монахов, Н.К.Сергеев кабилар томонидан тадқиқ этилган. Олимларнинг таъкидлашича, ўқувчи шахси ақлий тараққиётининг муайян босқичларида унга тизимли тарзда педагогик таъсир кўрсатиш лозим. Ўқувчиларни интеллектуал ривожлантириш муаммоси бу соҳада бир қатор ёндашувлар мавжудлигига қарамасдан ҳамон долзарб педагогик муаммо сифатида ўз ечимини кутмоқда. Айниқса, 5-9 синф ўқувчиларини уларга индивидуал ёндашган ҳолда, интеллектуал ривожлантириш муаммоси дидактик жиҳатдан очиб берилмаган.

Ўқувчини ҳар томонлама ривожлантириш муаммосининг ечими бугунги кунда жамият ҳаётида алоҳида аҳамиятга эга. Бунинг учун ҳозирги таълим жараёнида мавжуд бўлган айрим анъаналардан воз кечиш зарурияти туғилмоқда. Жумладан, илғор педагогик технологиялар билан анъанавий таълим жараёни орасида мутаносибликни таъминлаган ҳолда ўқувчиларни интеллектуал ривожлантириш тизимини белгилаб бериш муҳим масаладир.

Ўқувчиларда мавжуд бўлган билимлар парадигмаси ҳамда улар тараққиётининг ўзига хос жиҳатлари орасида алоқадорликни таъминлаган ҳолда шахснинг ўз-ўзини ривожлантириши ҳамда уларнинг ўқув жараёнидаги тараққиётлари орасида динамик алоқадорликни таъминлаш лозим.

Ўқувчининг интеллектуал жиҳатдан эркин ривожланиши Ўзбекистон Республикаси Конституциясида кафолатланган инсоннинг ҳақ-ҳуқуқлари ҳақидаги қонун-қоидаларга амал қилиб, жамият тараққиётининг фаол иштирокчиси бўлишга ундаш орқали амалга оширилади. Ўқувчиларни интеллектуал ривожлантириш шунинг учун ҳам зарурки, бу жараёнда ўқув вазияти барқарор ривожланади ва ўқувчиларга самарали педагогик таъсир кўрсатиш имконияти вужудга келади. Биринчидан, мазкур муаммонинг амалиётдаги ҳолати таҳлили шуни кўрсатдики, ўқитувчилар ўқувчиларни интеллектуал ривожлантиришга аксарият ҳолларда эътибор қаратмайдилар. Иккинчидан, таълим соҳасидаги ислохотлар натижасида ўқувчиларни интеллектуал ривожлантиришда янги педагогик имкониятлар вужудга келди.

Ўқувчиларни интеллектуал ривожлантиришнинг қуйидаги жиҳатларига алоҳида эътибор қаратиш талаб этилмоқда. Улар: ўқувчиларни мустақил ва танқидий фикрлашга ўргатиш, кўпроқ мустақил билим олишларини таъминлаш, уларни жисмоний жиҳатдан ривожлантириш ва соғлом турмуш тарзи кўникмаларини эгаллашга ундаш, ҳар бир дарсда ўқувчиларни

ижтимоийлаштиришга йўналтирилган ўқув топшириқларини уларга тақдим этиш кабилардан иборат.

Булар ичида ўқувчиларни интеллектуал ривожлантириш учун алоҳида аҳамиятга эга бўлган жиҳатлар уларни мустақил ва танқидий фикрлаш ҳамда мустақил билим олишга йўллашдир.

Педагогика ва психологияга оид адабиётларнинг таҳлили шунини кўрсатадики, ўқувчини интеллектуал ривожлантириш жараёни ўзининг куйидаги вазифаларига эга: (1-расм).



1-расм. Ўқувчини интеллектуал ривожлантириш жараёни вазифалари

Мазкур вазифаларни амалга ошириш натижасида ўқув жараёнининг ўқувчиларни интеллектуал ривожлантиришдаги имконияти бойийди.

Биз ўқувчиларни интеллектуал ривожлантириш жараёнининг таркиби ва вазифаларига асосланган ҳолда унинг мезонларни аниқлашга ҳаракат қилдик. Унинг таркиби ўқувчиларни интеллектуал ривожлантиришга йўналтирилган жараённинг педагогик жиҳатдан яхлитлигини ифодалашга қаратилгандир. Унинг алоҳида қисмлари ўзига хослигини кўрсатувчи ўлчовлар эса, вазифасини ифодаловчи мезонлардир.

Ўқувчиларни интеллектуал ривожлантириш манбалари, уларнинг шахсий сифатлари билан идеал тимсоллар орасида қарама-қаршиликлар мавжудлигини кўрсатади. Улар ўз навбатида мустақил шакллантирилган ёки ташқаридан тақдим қилинган ҳолатлар сифатида намоён бўлади. Агар ўқувчи мавжуд қарама-қаршиликларни қанчалик англаб етган бўлса, унинг интеллектуал даражаси шунчалик юксалади. Бунинг натижасида ўқувчиларни интеллектуал ривожлантириш жараёни самарали кечади.

Диссертациянинг “**Таълим жараёнида ўқувчиларни индивидуал ёндашув асосида интеллектуал ривожлантириш жараёнининг педагогик имкониятлари**” деб номланган иккинчи бобида индивидуал ёндашув асосида ўқувчиларни интеллектуал ривожлантиришга йўналтирилган педагогик жараён мазмуни, модели ва уларда интеллектуал ривожлантириш жараёнида ўқитувчининг педагогик фаолияти ҳақида фикр юритилган.

Ўқувчиларни интеллектуал ривожлантиришда муҳим педагогик омиллардан бири ўқув жараёнини индивидуаллаштиришдир. Бунда ўқув

жараёнининг кўп тармоқлилиги, ўқувчилар фаолиятининг турли-туманлиги, уларнинг ўқув фанига бўлган қизиқиши кабиларга эътибор қаратиш лозим.

Ўқувчиларни интеллектуал ривожлантиришнинг дастлабки даврида педагогик воситалар тизими уларни ўқув жараёнида интеллектуал фаолиятга ундаши лозим. Иккинчи даврида эса, ўқитувчининг асосий эътибори ўқувчиларни интеллектуал ривожлантиришнинг мазмунли-жараёнли йўналишига қўчирилади. Бу жараёнда интеллектуал вазифаларни ечишда ўқувчиларнинг дастлабки ўзига хосликлари ва иқтидорлари яққол намоён бўла бошлайди. Учинчи даврда, педагогик воситалар тизими ўқувчиларда интеллектуал ва ҳиссий-ихтиёрий фаолият кўникмаларни шакллантиришга йўналтирилади.

Ўқувчиларнинг интеллектуал ривожлантиришга йўналтирилган ўқув топшириқларининг валидлиги уларнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олишдаги асосий ўлчовдир.

Ўқувчиларнинг ўзига хос хусусиятларини ифодаловчи асосий белгилар сифатида улар интеллектуал фаолиятининг айрим кўринишлари танлаб олиниши керак. Шу билан бир қаторда, ўқувчилар ўқув фаолиятининг ўзига хос майлларига ҳам асосланиш лозим. Чунончи: ўқувчиларнинг ўқув ахборотларини қабул қилиш ҳажми ва тезлиги; ўқув мақсадларига эришиш давомида ўқувчининг мустақиллик даражаси; янги ўқув материалларини ўзлаштиришга ўқувчиларнинг тайёрлиги; ўрганилаётган мавзуга нисбатан ўқувчиларнинг қизиқишлари кабилар. Бу ўлчовлар таълим жараёнида ўқувчиларнинг интеллектуал кўникмалари қай даражада ривожланганлигини ҳам кўрсатади. Ўқувчиларнинг интеллектуал ривожланганлик даражаларини аниқлаш учун, уларнинг ақлий фаолиятини мунтазам назорат қилиш муҳим педагогик аҳамиятга эга.

Ўқувчиларни интеллектуал ривожлантириш учун уларни турли гуруҳларга ажратиш мақсадга мувофиқдир. Чунки ўқувчиларни интеллектуал ривожланишларини самарали таъминлаш учун уларнинг қайси гуруҳга мансублигини аниқлаш талаб этилади.

Ўқувчиларни бундай гуруҳлаш уларни бир гуруҳдан иккинчисига ўтиш учун ҳаракатланишга рағбатлантиради. Масалан, ўртача ўзлаштириш имкониятига эга бўлган ўқувчи яхшироқ ўзлаштиришга интилиб ривожланишга ҳаракат қилади. Бунда ўқитувчи билан ўқувчилар орасидаги субъект-субъект муносабатларига асосланган ўзаро ҳамкорлик муҳим аҳамият касб этади.

Ўқувчиларнинг интеллектуал ривожланишларини таъминлаш учун, биринчи навбатда ўқитувчи уларга инсонпарварлик тамойиллари асосида ёндашиши керак. Худди шундай инсонпарварона муносабат натижасида қуйидагиларни аниқлаш имконияти вужудга келади:

ўқувчиларнинг креатив фикрлашлари вазиятида вужудга келган зиддиятларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш;

интеллектуал-маҳсулдор ўқув вазияти бевосита фаолиятли йўналиш сифатида намоён бўлади ва унда ўқувчиларнинг интеллектуал тараққиёти ўқув

фаолияти ёрдамида амалга оширилади, шунингдек бу жараёнда ўқувчининг интеллектуал ривожланиши билан ўқув жараёни орасидаги қарама-қаршилик бартараф этилади;

башоратга асосланган ўқув вазиятида амалга оширилган ўқув фаолияти орқали ўқувчиларнинг интеллектуал тараққиётини таъминлаш имконияти вужудга келади. Бу эса, ўқувчиларда ўз интеллектуал фаолиятлари натижаларини баҳолаш кўникмасининг шакллантириш имконини беради, ўқув-билув жараёни олдида янги мақсадлар қўйишга кўмаклашади.

Ўқитувчи ва ўқувчилар орасидаги субъект-субъект муносабатлари икки хил йўналишга эга. Биринчи йўналиш ўзида ўқитувчи ва ўқувчилар орасидаги ташқи алоқадорликни ифодалайди. Улар орасидаги муносабатнинг мазкур турини ўқувчига йўналтирилган муносабат сифатида баҳолаш мумкин. Иккинчи йўналишда, ўқувчи ўз-ўзи билан муносабатга киришади.

Бунда унинг ўзлаштирган билимлари, имкониятлари, ўз-ўзини интеллектуал ривожлантириши, ўқув-билув жараёнида ўзининг интеллектуал фаолиятини баҳолаши, ўз ҳаракатларига бўлган муносабати, ўзининг ривожланиш истиқболларини қай даражада кўра олиши ифодаланади.

Мазкур муносабат натижасида қуйидагиларни ажратиб кўрсатиш мумкин. (2-расм).



2-расм. Ўқитувчи ва ўқувчилар орасидаги субъект-субъект муносабатлари

Ташқаридан қараганда ўқувчиларнинг интеллектуал тараққиётини таъминлайдиган бундай муносабатлар кўзга ташланмайди. Ўқувчиларнинг интеллектуал ривожланишини дидактик жиҳатдан асослаш жараёнида, уларга индивидуал ёндашиш имконини берадиган ўқув вазиятларини ташкил этдик

ва унинг натижаларини амалдаги ўқув жараёни билан қиёслашга ҳаракат қилдик.

Ўқувчиларни интеллектуал ривожлантириш жараёнини лойиҳалашда унинг ҳар бир қисми ўқитувчи-ўқувчи муносабатлари билан боғлиқ ҳолда ташкил этилиши назарда тутилди.

Биз қуйида ўқувчиларга индивидуал ёндашган ҳолда интеллектуал ривожлантириш жараёнида ўқитувчи бажарадиган вазифаларни баён этишга ҳаракат қиламиз. Ўқувчиларнинг интеллектуал ривожлантиришга йўналтирилган ўқув жараёнининг репродуктив босқичида ўқитувчи ўқув жараёнининг кейинги босқичлари ҳақида ўйлаши ва уларни лойиҳалаштириши лозим.

Турли педагогик омилларга таянган ҳолда ўқув жараёни иккинчи босқичи мазмунини аниқлаши зарур. Ўқитувчи ўқув жараёнига мунтазам таъсир кўрсатадиган омилларни ҳам билиши талаб этилади. Булар жумласига ўқувчиларнинг ёш хусусиятлари билан боғлиқ тарзда уларнинг диққати, хотираси ҳамда тафаккурининг ўқув жараёнига кўрсатадиган таъсири ҳам киради.

Ўқитувчи ўқувчиларни интеллектуал ривожланишини таъминлашга йўналтирилган ўқув жараёнининг сифатини яхшилаш билан бир қаторда, унга қўйиладиган талаблар ва мазкур ўқув-билув жараёни самарадорлигини таъминлашга хизмат қиладиган табиий омилларни ҳам ўзлаштиришлари зарур.


Ўқитувчилар ўқувчиларга тақдим этиладиган ўқув материалларининг мазмун-моҳияти, қурилиши, уларни танлаш манбаларини ҳам билишлари муҳим аҳамиятга эга. Масалан, ўқитувчилар ўқув материаллари ҳажми ва мазмунини кенгайтиришлари, ўқув жараёнини лойиҳалаштиришлари, бунда ўқув вақти имкониятларини инобатга олишлари муҳимдир.

Ўқув жараёни лойиҳаларини мужассамлаштириш натижасида унинг яхлит тавсифи вужудга келади. Ўқувчиларни интеллектуал ривожлантиришга хизмат қиладиган ўқув материалларининг миқдори аниқ белгилаб қўйилиши лозим (3-расм).

Ўқувчиларга индивидуал ёндашув асосида интеллектуал ривожлантиришда муайян воситалар муҳим аҳамият касб этади. Ушбу воситалар ўқув жараёни мақсадини амалга ошириш, мазкур жараёнда кофалатланган натижага эришиш имконини беради. Чунки ўқув мақсадларини амалга оширишда дидактик воситалар алоҳида ўрин эгаллайди.

Ҳар қандай ўқув жараёнининг ўқувчи шахсига йўналтирилиши унинг мақсадига бевосита боғлиқдир. Ўқувчиларни интеллектуал ривожлантириш жараёнининг самарадорлиги ҳам унинг мақсадига бевосита боғлиқдир.

Ўқитувчилар ўқувчиларни интеллектуал ривожлантириш мақсадларини аниқ белгилашлари учун, унинг аҳамияти, мақсадга эришиш йўллари, дуч келинадиган қийинчиликларни аниқ билишлари ва бу соҳада ютуқларга эришиш учун мунтазам назоратни амалга оширишлари лозим.



3-расм. Индивидуал ёндашув асосида ўқувчиларни интеллектуал ривожлантиришга йўналтирилган педагогик жараён модели.

Ўқувчиларни интеллектуал ривожлантиришга йўналтирилган педагогик воситалар, уларнинг ақлий тараққиётини таъминлашга хизмат қилади.

Диссертациянинг **“Индивидуал ёндашув асосида ўқувчиларни интеллектуал ривожлантиришга йўналтирилган педагогик тизим самарадорлиги”** деб номланган учинчи бобида ўқувчиларни интеллектуал ривожлантиришга йўналтирилган педагогик жараён самарадорлигини аниқлаш методикаси ва ўқувчиларга индивидуал ёндашув асосида уларни интеллектуал ривожлантиришга йўналтирилган тажриба-синов ишларининг статистик таҳлили хусусида фикр юритилган.

Тажриба-синов ишлари натижаларининг таҳлили шуни кўрсатдики, ўқувчиларни интеллектуал ривожлантиришга йўналтирилган ўқув жараёни бу соҳада муайян самарадорликни таъминлаш имконини берди. Мазкур ўқув жараёни татбиқ этиш орқали ҳар бир ўқитувчи ўқувчиларга индивидуал ёндашиш асосида уларни интеллектуал ривожлантириш имкониятига эга бўлади.

Ўқувчиларни индивидуал ёндашув асосида интеллектуал ривожлантиришга йўналтирилган педагогик жараённинг самарадорлик даражасини аниқлашга қаратилган тажриба-синов ишлари Хоразм вилояти Хонқа туманидаги 25-,44-, Самарқанд вилояти Булунғур туманидаги 50-,52- ҳамда Тошкент вилояти Янгийўл туманидаги 1-,45-сонли умумий ўрта таълим мактабларида амалга оширилиб, унда жами 12 нафар фан ўқитувчилари ва 700 нафар ўқувчилар респондентлар сифатида иштирок этдилар.

Тажриба-синов ишларининг асосий мақсади нафақат ўқувчиларни интеллектуал ривожлантиришга йўналтирилган педагогик жараённинг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш, балки бу жараёни амалга оширишнинг дидактик хусусиятлари ва шарт-шароитларини ҳам ўрганишни назарда тутди.

Тажриба-синов ишлари жараёнида қуйидагиларга алоҳида эътибор қаратилди: ўқувчиларни интеллектуал ривожлантиришга йўналтирилган ўқув жараёнини лойиҳалаш; турли синф ўқувчилари орасида тажриба-синов ишларини ташкил этиш; ўқувчиларнинг интеллектуал тараққиётини таъминлаш имконини берадиган дидактик воситаларни лойиҳалаш ва амалиётга татбиқ этиш; ўқувчиларнинг интеллектуал тараққиётини таъминлашнинг истиқболли йўналишларини аниқлаш.

Ўқувчиларни интеллектуал ривожлантиришга йўналтирилган ўқув жараёнини лойиҳалашда биз унинг босқичлари орасидаги изчилликни таъминлашга алоҳида эътибор қаратдик. Бир босқичдан иккинчи босқичга ўтиш давомида уларнинг мароми ва алоқадорлиги ҳар бир ўқув машғулотининг ўзига хос вазифасини аниқлаш асосида ойдинлаштирилди.

Биз кузатишлар жараёнида ўқувчиларнинг интеллектуал характердаги ўқув ишларига бўлган ҳиссий муносабатлари, маромлари ўзгарганлигининг гувоҳи бўлдик. Бунинг натижасида биз ҳар бир ўқувчининг қизиқишлари нимага йўналтирилганлигини аниқлашга муваффақ бўлдик.

Масалан, ўқитувчининг шахсияти, ўқув материалининг мазмуни, улар баҳра оладиган нарсалар, жумладан олган яхши баҳолари, ўқитувчи ва ота-оналарнинг мактовлари кабилар.

Тажриба-синов ишлари жараёнида анкета, мустақил ишлар, рефератлар ёздириш, матн тузиш, матнни лойиҳалаш, савол-жавоб каби методлардан фойдаланган ҳолда ўқувчиларнинг интеллектуал ривожланганлик даражаси аниқланди. Бу қуйидаги жадвалда ўз ифодасини топган

1-жадвал

Ўқувчиларнинг интеллектуал ривожланиш кўрсаткичлари

Ўқувчиларнинг интеллектуал ривожланиш даражалари	Тажриба-синов ишлари бошида		Тажриба-синов ишлари охирида	
	Назорат гуруҳлари	Тажриба гуруҳлари	Назорат гуруҳлари	Тажриба гуруҳлари
Паст	31 %	33 %	30 %	20 %
Ўрта	37 %	38 %	36 %	43 %
Юқори	32 %	29 %	34 %	37 %

Биз буни қуйидаги мезонлар асосида аниқлашга муваффақ бўлдик: 1) ўқувчиларда интеллектуал ривожланиш майлларининг мавжудлиги; 2) интеллектуал фаолиятга нисбатан ижобий муносабат шаклланганлиги; 3) кишилиқ табиати ва жамиятга оид билимларни ўрганиш ва уларни такомиллаштириш истагининг мавжудлиги; 4) интеллектуал жиҳатдан ривожлантириш кўникмаларининг таркиб топганлик даражаси; 5) ўз интеллектуал фаолиятини объектив баҳолай олиш лаёқатининг мавжудлиги; 6) ижодий фаолият кўрсата олиш лаёқатининг мавжудлиги; 7) ўзлари бажарган ўқув топшириқларини қайта ишлай ва мукаммаллаштира олишлари; 8) умумий ўқув кўникмаларининг шаклланганлик даражаси; 9) ўқув майлларининг ҳосил бўлганлиги; 10) ижтимоийлашганлик даражаларини намоён бўлиши; 11) мантиқий фикрлаш кўникмаларининг ривожланганлиги; 12) воқеа-ҳодисани умумлаштириш ва ойдинлаштириш кўникмаларининг ривожланганлиги; 13) турли даражадаги тушунчаларни таснифлай олиш кўникмаларининг мавжудлиги; 14) шахсий сифатларнинг эгаллаганликлари.

Тажриба-синов ишларининг натижалари юқоридаги мезонлар бўйича математик-статистик методи ёрдамида таҳлил этилди.

1-жадвал натижаларига асосланган ҳолда ўқувчиларнинг интеллектуал ривожлантиришга йўналтирилган ўқув жараёни самарадорлик даражасини аниқлаш юзасидан тажриба бошидаги ва якунидаги натижаларини аниқлаш бўйича тажриба ва назорат синфларидаги ўзлаштиришларини юқоридаги мезонлар асосида математик-статистика методи ёрдамида таҳлил этилди.

Тажриба-синовда қатнашган ўқувчилардан 359 нафар ўқувчи тажриба ва 341 нафар ўқувчи назорат синфида қатнашишди.


2-жадвал

Тажриба бошида ўқувчиларнинг интеллектуал ривожлантиришга йўналтирилган ўқув жараёни самарадорлигини аниқлаш даражаси


№	Синфлар	Ўқувчилар сони	Самарадорлик даражаси		
			Юқори	Ўрта	Паст
1.	Тажриба синфи	359	115	133	111
2	Назорат синфи	341	99	130	112

Тажриба синфидаги ўзлаштириш кўрсаткичлари ва ўқувчилар сонини мос равишда X_{ip_i} лар ва шу каби назорат синфидагини эса Y_{jp_j} лар орқали белгилаб олиб, қуйидаги статистик гуруҳланган вариацион қаторларга эга бўламиз

Бу танланмаларга мос келган диаграммалар қуйидагича кўринишни олади:



4-расм. Тажириба бошида ўзлаштириш даражалари акс эттирилган диаграмма



5-расм. Тажириба-синов якунида ўзлаштириш даражалари диаграммаси

3-жадвал

Тажриба-синов якунида ўқувчиларнинг интеллектуал ривожлантиришга йўналтирилган ўқув жараёни самарадорлигини аниқлаш даражаси

№	Синфлар	Ўқувчилар сони	Самарадорлик даражаси		
			Юқори	Ўрта	Паст
1.	Тажриба синфи	359	205	136	18
2	Назорат синфи	341	116	123	102

Юқоридаги натижаларга асосланиб тажириба-синов ишларининг сифат кўрсаткичларини ҳисоблаймиз.

Бизга маълум $\bar{X}=2,52$; $\bar{Y}=2,04$; $\Delta_x=0,06$; $\Delta_y=0,08$ га тенг.

Бундан сифат кўрсаткичлари:

$$K_{\text{усб}} = \frac{(\bar{X} - \Delta_x)}{(\bar{Y} + \Delta_y)} = \frac{2,52 - 0,06}{2,04 + 0,08} = \frac{2,46}{1,96} = 1,26 > 1;$$

$$K_{\text{одб}} = (\bar{X} - \Delta_x) - (\bar{Y} - \Delta_y) = (2,52 - 0,06) - (2,04 - 0,08) = 2,46 - 1,96 = 0,5 > 0;$$

Олинган натижалардан ўқитиш самарадорлигини баҳолаш мезони бирдан катталиги ва билиш даражасини баҳолаш мезони нолдан катталигини кўриш мумкин. Бундан маълумки, тажириба синфидаги ўзлаштириш назорат синфидаги ўзлаштиришдан юқори экан.

Демак, ўқувчиларнинг интеллектуал ривожлантиришга йўналтирилган ўқув жараёни самарадорлик даражасини аниқлаш юзасидан ўтказилган тажриба-синов ишлари самарадор экан.

ХУЛОСА

Амалга оширилган тадқиқот натижасида қуйидаги хулосага келинди:

1. Ўқувчиларни индивидуал ёндашув асосида интеллектуал ривожлантириш бугунги кунда таълим жараёнининг устувор мақсадларидан бирига айланган. Ушбу жараён тақдим этилган назарий билимлар, илмий тушунчалар ва ахборотларнинг ўқувчилар томонидан сифатли ҳамда самарали ўзлаштирилиши, ўқув жараёнининг яхлит мақсадга йўналтирилган дидактик ходиса сифатида намоён бўлиши, ўқувчилар интеллектуал фаолиятларининг онгли тарзда шаклланиши улар тараққиётининг барқарор тарзда амалга оширилишига имкон беради.

2. Мавжуд илмий, педагогик-психологик адабиётларнинг таҳлили шуни кўрсатдики, педагогика ва психология фанларида ўқувчиларни интеллектуал ривожлантиришга турли томондан ёндашилган бўлсада, бироқ ўқув-билув жараёнида уларга индивидуал ёндашган ҳолда интеллектуал ривожлантириш масаласи алоҳида диссертацион тадқиқот доирасида ўрганилмаганлиги назарий-амалий жиҳатдан асосланди.

3. Ўқувчиларни интеллектуал ривожлантириш жараёни ўзига хос педагогик шарт-шароитлар ва дидактик воситалар билан таъминлангандагина кутилган самарадорликка эришиш имконини беради.

4. Ўқувчиларга индивидуал ёндашган ҳолда уларни интеллектуал ривожлантиришга йўналтирилган педагогик жараён ўзининг аниқ мақсади, мазмуни ва методик инструментарийсига эга бўлиши лозимлиги кузатишларимиз давомида аён бўлди. Ушбу мазмун ўқувчиларга индивидуал ёндашган ҳолда уларнинг ақл-заковати, етуклиги, маънавий сифатлари, ижтимоийлаштиришга хизмат қиладиган ўқув материалларини қамраб олиши лозим.

5. Ўқувчиларни интеллектуал ривожлантиришга йўналтирилган таълим жараёнида субъект-субъект муносабатлари алоҳида ўрин эгаллаб ўқитувчи бу муносабатнинг ўзига хос жиҳатларини намоён этиш имкониятларига эга бўлиши талаб этилади. Ўқувчиларни интеллектуал ривожлантиришга йўналтирилган ўқув жараёни ўзига хос технологик қурилишга эга бўлиб, унинг алоҳида-алоҳида босқичларида муайян дидактик воситалардан фойдаланилади.

6. Ўқувчиларни интеллектуал ривожлантиришга йўналтирилган таълим жараёнининг самарадорлигини таъминлашда ўқув топшириқлари, ўқув вазиятлар ва дидактик ўйинлар муҳим педагогик аҳамиятга эга. Ўқувчиларни интеллектуал ривожлантириш учун интеллектуал фаолият кўрсатишлари ва ўз фаолиятлари натижаларини баҳолашларига алоҳида эътибор қаратилади.

7. Тажриба-синов ишлари жарёнида ўқувчиларнинг интеллектуал ривожланишларини таъминлаш мақсадида, муайян дидактик воситалар

танланиб, ўқув жараёнида синаб кўрилди ва уларнинг ўқувчиларни интеллектуал ривожлантиришдаги самарадорлик даражалари дидактик жиҳатдан асосланди.

8. Тажриба-синов ишлари давомида ўқувчиларнинг презентативлигини таъминлаш мақсадида, респондентлар орасида анкета сўровлари, савол-жавоблар ва суҳбатлар ўтказишга алоҳида эътибор қаратилди. Танлаб олинган респондентларнинг интеллектуал ривожланганлик даражалари аниқланган ҳолда гуруҳларга ажратилди ва ҳар бир ўқувчига хос бўлган интеллектуал ривожланганлик даражалари алоҳида-алоҳида тавсифланди.

9. Амалга оширилган статистик таҳлиллар тажриба-синов ишларининг самарадорлигини аниқлаш ва тадқиқот фарази тўғрилигини асослаш имконини берди.

Юқоридаги хулосалар асосида қуйидаги тавсияларни тақдим қиламиз:

ҳар бир ўқув предметлари бўйича ўқувчиларни интеллектуал ривожлантиришга хизмат қиладиган ўқув топшириқлари, дидактик вазиятлар ва таълимий ўйинлар тўпламини яратиш;

ҳар бир ўқув предмети бўйича ўқувчиларга индивидуал ёндашган ҳолда уларни интеллектуал ривожлантиришга хизмат қиладиган методларни аниқлаш;

педагогика Олий ўқув юртларида “Ўқувчиларга индивидуал ёндашган ҳолда интеллектуал ривожлантириш” номли махсус курс жорий этиш;

ўқувчиларни интеллектуал ривожлантиришга йўналтирилган ўқув жараёнини табақалаштириш имкониятларини аниқлаш.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc. 03/30.04.2021.Ped.82.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ЧИРЧИКСКОМ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ
ПЕДАГОГИЧЕСКОМ ИНСТИТУТЕ ТАШКЕНТСКОЙ ОБЛАСТИ**

**УЗБЕКСКИЙ НАУЧНО-ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКИЙ
ИНСТИТУТ ПЕДАГОГИЧЕСКИХ НАУК**

КАЛАНДАРОВА МЕХРИБОН КОМИЛОВНА

**СИСТЕМА ИНТЕЛЛЕКТУАЛЬНОГО РАЗВИТИЯ УЧАЩИХСЯ В
ОБРАЗОВАТЕЛЬНОМ ПРОЦЕССЕ НА ОСНОВЕ
ИНДИВИДУАЛЬНОГО ПОДХОДА**

13.00.01 – Теория педагогики. История педагогических учений

**АВТОРЕФЕРАТ
диссертации доктора философии (PhD) по педагогическим наукам**

Чирчик – 2021

Тема диссертации доктора философии (PhD) по педагогическим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за B2019.3.Phd/Ped188.

Диссертация выполнена в Узбекском научно-исследовательском институте педагогических наук.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (csdpi.uz.ilmiy-kengash) и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (по адресу www.ziynet.uz).

Научный руководитель:	Сафарова Рохат Гайбиллаевна доктор педагогических наук, профессор
Официальные оппоненты:	Ходжаев Бекзод Худойбердиевич доктор педагогических наук, профессор
	Уринова Нилуфар Мухаммаджановна кандидат педагогических наук, доцент
Ведущая организация:	Каракалпакский государственный университет имени Бердаха

Защита диссертации состоится «__» _____ 2021 года в ____ часов на заседании Научного совета DSc. 03/30.04.2021.Ped.82.01 при Ташкентском областном Чирчикском государственном педагогическом институте (адрес: 111720, Ташкентская область, город Чирчик, улица Амира Темура, дом №104). Тел.: (+99870) 712-27-55; факс: (99870) 712-45-41; e-mail: chdpi_kengash@umail.uz.

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского областного Чирчикского государственного педагогического института (зарегистрировано за № _____). (Адрес: 111720, Ташкентская область, город Чирчик, улица Амира Темура, дом №104. Тел.: (+99870) 712-27-55; факс: (99870) 712-45-41.

Автореферат диссертации разослан «__» _____ 2021 года.
(протокол рассылки № _____ от _____ 2021 года).

Ш.К.Мардонов
председатель научного совета
по присуждению учёных
степеней, д.п.н., профессор.

Ф.У.Кодирова
учёный секретарь научного совета
по присуждению учёных степеней,
д.п.н., (DSc).

У.Н.Хужамкулов
председатель научного семинара при
научном совете по присуждению
учёных степеней, д.п.н., (DSc).

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мире в образовательном процессе особое значение приобретает уточнение дидактических параметров интеллектуального развития учащихся на основе индивидуального подхода, совершенствование содержания вариативного образования в развитии способностей учащихся. Особо актуальным является расширение возможностей самостоятельного получения учащимися знаний в условиях виртуального образования, развитие учебно-познавательной деятельности, ориентированной на личность учащегося на основе кредитно-модульной и концентрированной образовательных технологий. В развитых странах, как США, Англия, Германия, Южная Корея, Россия уделяется большое внимание разработке технологий обучения, ориентированных на индивидуальность, совершенствование индивидуальной образовательной траектории учащихся на основе моделей тьюторства и менторства.

В мире осуществляется ряд научных исследований в области повышения самостоятельной познавательной активности учащихся в условиях информационно-образовательной среды, совершенствования дидактической системы развития логического, критического и креативного мышления учащихся. Особенно, особую значимость приобретает формирование индивидуального стиля мышления учащихся на основе личностно-гуманитарного подхода, совершенствование социально-педагогических механизмов через формирование базовой компетенции саморазвития, совершенствование дидактического обеспечения использования проблемной и развивающей технологий, способствующих интеллектуальному развитию учащихся. Вместе с тем, актуальность приобретает разработка фасилитационных образовательных технологий, ориентированных на поддержание индивидуальности учащихся, развития субъект-субъектных отношений.

В нашей республике уделяется большое внимание совершенствованию системы общего среднего образования, формированию общеобразовательных компетенций учащихся, развитию опыта личностно-индивидуальной деятельности обучающихся. Особенно актуальное значение приобретает совершенствование педагогических механизмов обеспечения действенности, устойчивости личностно-ориентированных индивидуальных образовательных процессов, конкретизация дидактических возможностей индивидуально-ориентированного обучения. Определены такие важные задачи, как «повышение возможностей качественных образовательных услуг, подготовка высококвалифицированных кадров в соответствии с современными потребностями рынка труда»², что предполагает уточнение критериев, уровней и индикаторов интеллектуального развития субъектов

² Указ Президента Республики Узбекистан «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» от 7 февраля 2017 года № УП-4947 // Собрание законодательства Республики Узбекистан, 2017, № 6, ст. 70.

образовательного процесса, совершенствование модели педагогического процесса, ориентированного на интеллектуальное развитие учащихся в соответствии с индивидуальным подходом.

Настоящее диссертационное исследование в определенной мере служит решению задач, поставленных в Указе Президента Республики Узбекистан №УП-4947 “О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан” от 7 февраля 2017 года, №ПП-3304 от 30 сентября 2017 года «О совершенствовании деятельности Министерства народного образования Республики Узбекистан», №ПП-3907 от 14 августа 2018 года «О мерах по поднятию на качественно новый уровень системы духовно-нравственного и физически гармоничного воспитания молодежи, ее обучения и воспитания» ПП-5712 от 29 апреля 2019 года «О концепции развития системы народного образования до 2030 года», Постановления Кабинета Министров Республики Узбекистан от 15 марта 2017 года № 140 «Об утверждении Положения об общем среднем образовании», от 6 апреля 2017 года №187 «Об утверждении государственных образовательных стандартов общего среднего и среднего специального, профессионального образования» а также в других нормативно-правовых актах, касающихся данной сферы.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики I. «Социальное, правовое, экономическое, культурное, духовно-просветительское развитие информационного общества и демократического государства, формирование системы инновационных идей и способы их реализации».

